

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.3/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

АТАМУРОДОВ ТЎЛҚИН ТЎЙМУРОДОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Атамуродов Тўлқин Тўймуродович

Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш 3

Атамуродов Тўлқин Тўймуродович

Совершенствование системы государственных закупок в Узбекистане... 29

Atamurodov Tulqin Tuymurodovich

Improving the public procurement system in Uzbekistan 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 60

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.3/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

АТАМУРОДОВ ТЎЛҚИН ТЎЙМУРОДОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2020.1.PhD/Iqt.1207 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қўзиева Наргиза Рамазоновна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Нуриллаев Абдулазиз Сирожиддинович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.3/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: tdu@tdu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdu@tdu.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

К.Б. Аҳмеджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

Б.Т. Бердияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д.

С.К. Худойкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларида рақамли технологияларнинг ривожланиши ва бюджет дефицити кучайиши давлат харидлари тизимини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти мамлакатларида «ЯИМга нисбатан давлат харидлари учун давлат бюджети харажатлари ўртача 12 фоизга тенг бўлмоқда»¹. Ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар давлат бюджетнинг 43 фоиз харажатлари давлат харидлари учун йўналтирилади. Шу нуқтаи назардан, давлат харидлари тизимининг очиқлигини таъминлаш бюджет маблағларидан мақсадли ва манзилли фойдаланишни талаб этмоқда.

Жаҳонда давлат харидлари тизимининг ҳуқуқий ва институционал асослари, харидларни амалга ошириш жараёнлари, харид билан боғлиқ рискларни бошқариш ва ҳисобдорлик, бюджет харажатларини амалга оширишда давлат харидлари билан қамраб олиниши ва уларнинг эълон қилиб борилиши, электрон харидлар тизимини такомиллаштириш орқали давлат харидлари тизимининг шаффофлигини оширишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, давлат харидининг макроиқтисодий кўрсаткичлар, жумладан ялпи ички маҳсулот, бюджет харажатлари ҳажми ва давлат бюджети даромадларига нисбатан улушининг беқарорлик ҳолатлари кузатилмоқда.

Ўзбекистонда, айниқса сўнгги йилларда давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш, рақамлаштириш борасида кенг қамроқли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб бериш»² муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган. Бу борада фаолият самарадорлиги ва шаффофлигини оширишда тўғридан-тўғри харидлар кўламини кенгайтириш, давлат харидлари тизимида фойдаланиладиган меъёрий ҳужжатларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, давлат харидларини бекор қилиш сабабларини эълон қилиб бориш борасидаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Organisation for Economic Co-operation and Development сайти маълумотларидан фойдаланилган. Манба: <https://www.oecd.org/governance/public-procurement/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз тилида олиб борилган кўплаб тадқиқотларда давлат харидлари тизимини бошқариш, унинг ташкилий жиҳатлари юзасидан илмий хулосалар шакллантирилган. J.Edler, L.Georghiou, M.Falagario, F.Sciancalepore, N.Costantino, R. Pietroforte, M.Klaus, O.Hart, B.Holmström, H.Walker³ сингари олимлар ўз илмий хулосаларида мамлакат ва жаҳон миқёсида давлат хариди ва шартнома назарияси муаммосига қаратилган жиҳатларни қамраб олганлар.

Шунингдек, россиялик олимлар ҳам давлат харидининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этганлар. Ц.Амбарян, О.Анчишкина, М.Демиденко, Ю.Крюкова, В.Мельников, Т.Усманов, В.Щеколдин, Э.Мубаракшина, А.Налбандян, М.Седова, А.Яськин⁴нинг тадқиқотларида давлат харидининг назарий асослари, унга таъсир этувчи омиллар, давлат бюджети маблағларидан фойдаланишдаги устуворликларнинг алоҳида хусусиятлари тўғрисида илмий хулосалар шакллантирилган.

Ўзбекистонлик олим ва тадқиқотчилар У.Бурханов, А.Ваҳобов, Т.Маликов, Н.Жумаев, Б.Жўраев, Д.Гофуров, Г.Қосимова, Д.Пулатов, Д.Рахмонов,

³ Edler J., Georghiou L. Public procurement and innovation - Resurrecting the demand side // Research Policy – Volume 36 – Issue 7 – September 2007 – P. 949–963.; Falagario M., Sciancalepore F., Costantino N., Pietroforte R. Using a DEAcross efficiency approach in public procurement tenders // European Journal of Operational Research – Volume 218 – Issue 2 – 16 April 2012 – P. 523–529.; Klaus M. Schmidt Contributions of Oliver Hart and Bengt Holmstrom to Contract Theory//The Scandinavian Journal of Economics, 2017. - №119(3). - pp 489–511. DOI: 10.1111/sjoe.12245.; Oliver Hart and Bengt Holmström: The Prize in Economics Sciences 2016: Popular Sciences Background Contract Theory. 2017.; Walker H., Brammer S. Sustainable procurement in the United Kingdom public sector // Supply Chain Management – Volume 14 – Issue 2 – 2009 – С. 128–137.

⁴ Амбарян Ц.О. Разработка системы поддержки управления государственными закупками с использованием концептуального моделирования// XXI век: итоги прошлого и проблемы настоящего плюс. – Т. 3 – № 6 (28) – 2015. – С. 281–286.; Анчишкина О.В. Планирование государственных закупок: опыт ФКС США для развития контрактных отношений в российском госзаказе//Федеральная контрактная система. – М., 2011. -66-92 с.; Демиденко М.В. Развитие подрядных торгов на строительство объектов в системе государственных закупок: автореферат ... к.э.н. – СПбГАСУ. – СПб., 2017. – 23 с.; Заикин Н.Н. Особенности развития конкурентной среды Россия в условиях глобальной нестабильности: автореферат ... к.э.н. – РАНХиГС при Президенте Российской Федерации. – Томск, 2015. – 22 с.; Крюкова Ю.С. Государственные закупки в функционировании и развитии региональной экономической системы автореферат ... к.э.н. – НЧОУ ВПО «Южный институт менеджмента». – Майкон, 2012. – С.26.; Мельников В., Усманов Т., Щеколдин В. Факторы государственных закупок: оценка влияния в рамках международных сопоставлений//Journal Of Economic Regulation (Вопросы регулирования экономики) vol. 7, no. 2. 2016. DOI: 10.17835/2078-5429.2016.7.2.081-093.; Мубаракшина Э.Р. Зарубежный опыт организации государственных закупок//Вестник науки и образования. – Москва, 2018(1). - №16(52). – С.69-73.; Налбандян А.А. Сравнительный анализ опыта развитых стран в организации системы государственных закупок//Вестник РУДН, серия Экономика. – Москва, 2013. - №5. – С. 118-127.; Седова М.В. Развитие механизма финансирования государственных закупок в России: автореферат ... к.э.н. – АНО ВПО «Российская академия предпринимательства». – Москва, 2015. – 27 с.; Яськин А.В. Институциональный фактор экономического выбора на современных рынках: автореферат ... к.э.н. – Волгоградский государственный университет. – Волгоград, 2014. – С.25.

А.Шеров, Б.Турабов ва У.Ўроқов⁵нинг тадқиқотларида давлат хариди ва бюджет сиёсатига нисбатан илмий хулосалар асослаб берилган.

Д.Гофуров давлат ва корпоратив харидлар тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий хулосаларни шакллантирган. Д.Пулатов давлат харидларини амалга оширишда ғазна ижрочининг аҳамияти ва уни янада ривожлантиришни назарда тутувчи омилларни асослаб берган. Д.Рахмонов бюджет сиёсатининг замонавий йўналишлари ва уни отималлаштиришда бюджет харажатларини йўналтириш устуворликларини таҳлил қилган.

Шундай бўлса-да, Ўзбекистон шароитида давлат харидлари тизимини тадқиқот объекти сифатида такомиллаштиришга қаратилган изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170929144-сон «Бюджет лойиҳалари мақсади ва индикаторларини баҳолашнинг тавсифий ёндашувларини аниқлаш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давлат харидини ташкил этишнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш;

Ўзбекистонда давлат харидини ташкил этиш асослари ва шарт-шароитларини тадқиқ этиш;

давлат харидларини ташкил этиш ва молиялаштириш бўйича илғор хорижий тажрибалар асосида таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат харидларининг ривожланиши ва унда кичик бизнеснинг тутган ўрнини таҳлил қилиш;

мамлакатимизда давлат харидлари тизимининг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва баҳолаш;

Ўзбекистонда давлат харидлари тизимида корпоратив буюртмачилар фаолияти ва рақобатни ривожлантириш натижаларини баҳолаш;

⁵ Бурханов У.А. Давлат хариди. – Тошкент, 2010. – 16 бет.; Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: Ношир, 2012. 284-б; Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. – Т.: Iqtisodiyot, 2019. – 335 б.; Жўраев Б.А. Бозор иқтисодиёти шароитида Давлат бюджетининг роли: и.ф.н. ... авторферат. – БМА: Тошкент, 2001. – 21 б.; Гофуров Д.Б. Ўзбекистонда давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. (PhD) ... авторферат. – Т.: ТМИ., 2020. - 56 б.; Қосимова Г.А. Ғазначилик тизимида давлат харидининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари. //Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. – Т., 2019. - № 2 (апрель); Пулатов Д.Х. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари: и.ф.д. (DSc) ... авторферат. – Т.: БМА, 2017. – 68 б.; Рахмонов Д.А., Шеров А.У. Бюджет сиёсатини шакллантиришнинг замонавий йўналишлари. // Инновацион иқтисодиёт шароитида молия тизимини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва истиқболлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2020. 68-69 б.; Турабов Б.Т. Бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш масалалари: и.ф.н. ... авторферат. – Тошкент: БМА, 2007. – 20 бет.; Ўроқов У. Давлат харидлари тизими: кеча ва бугун//Бозор, пул ва кредит журнали. – Т., 2018. – №8. <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-economy-uz/4051-davlat-xaridlari-tizimi-kecha-va-bugun>

Ўзбекистонда давлат харидини ташкил этишдаги муаммолар ва унга таъсир этувчи омилларни тизимлаштириш;

давлат харидлари ташкил этилишини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети давлат харидлари тизимини такомиллаштириш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий абстракциялаш, мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, монографик тадқиқот, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш, корреляцион ва регрессион тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат харидларида нархлар шаклланишида монополистик ёки олигополистик ҳаракатларнинг олдини олиш, нархларни чеклаш ва уларни жойида оптимал аниқлаш мақсадида давлат харид комиссияси таркибини ваколатли давлат органлари вакиллари ҳисобидан оптималлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш ва шаффофлигини таъминлаш бўйича «тўғридан-тўғри харидни» он-лайн шаклда амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотлар шаффофлигини таъминлашда «намунавий ҳужжат шакллари», «давлат буюртмачилари томонидан тузилган шартномалар реестри» ва «ягона етказиб берувчилар реестри» каби ҳужжат шакллари таклиф этилган;

давлат буюртмачиси томонидан харидни бекор қилишнинг асосли сабабини порталда эълон қилишнинг мажбурий тартибини киритиш таклиф этилди.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

давлат хариди бўйича чекловлар белгилашда давлатнинг стратегик йўналишлари ва давлат ривожлантириш дастурларининг тегишли қисмларига истисно бериш билан давлатнинг стратегик йўналишлари ва ривожлантириш давлат дастурларини ўз вақтида амалга ошириш имконияти таклиф этилган;

давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланганлигини мустаҳкамлаш учун буюртмачи харажатлар сметаси бўйича давлат харидларини бир турдаги товар(иш, хизмат)лар бўйича қисмларга бўлиб ташлашга йўл қўймаслик асослаб берилган;

бюджет буюртмачилари учун интернет дўкон орқали харидни амалга оширишда бир шартнома қиймати энг кам иш ҳақининг йигирма беш баробаригача бўлган (максимал) қиймат белгилаш билан бирга минимал қийматни ҳам киритиш ва унгача бўлган қиймат бўйича харидга тўғридан-тўғри шартнома тузиш имконияти таклиф этилган;

йирик давлат харидларини амалга оширишда ижрочиларнинг ўз ва давлат харидлари веб-саҳифаларида харид юзасидан тасдиқланган шартнома мажбуриятларини амалга ошириш бўйича ахборотларни жойлаштириш ва ҳақиқий молиявий манфаатдорлик тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилиш таомилларини киритиш зарурати асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Товар-хомашё биржасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятига татбиқ этилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлардан давлат харидлари услубиётини тўғридан-тўғри харидларни амалга ошириш, янги харидлар тўғрисидаги ахборотларни тўлақонли ҳамда нархларни оптимал шакллантириш, харидни бекор қилишнинг асосли сабаблари бўйича иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ҳамда шаффофлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар комплекси ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган вазифаларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

нархлар шаклланишида монополистик ёки олигополистик ҳаракатларнинг олдини олиш, жойида аниқлаш ва чеклашни тартибга солиш мақсадида давлат хариди ваколатли органлари таркибини институционал жиҳатдан оптималлаштириш тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6019-сон фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 19 январдаги 94/04-17-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 26 январдаги 04/1-06-91-сон маълумотномалари). Мазкур таклифни жорий этиш орқали ўтказилаётган давлат харидларида нархлар шаклланиши ва тендер жараёнида юзага келиши мумкин бўлган монополистик ёки олигополистик ҳаракатларнинг олдини олиш, жойида аниқлаш ва чеклаш имконияти яратилган;

бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш ва шаффофлигини таъминлаш юзасидан «тўғридан-тўғри харидни амалга ошириш» таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги «Рақобат

мухитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6019-сон фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 19 январдаги 94/04-17-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 26 январдаги 04/1-06-91-сон маълумотномалари). Натижада давлат харидларини амалга оширишнинг шаффофлиги янада оширилган ва мақсадлилиги таъминланган;

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотлар шаффофлигини таъминлашда «намунавий ҳужжат шакллари», «давлат буюртмачилари томонидан тузилган шартномалар реестри» ва «ягона етказиб берувчилар реестри» сингари ҳужжат шакллари киритиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январдаги «Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 37-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 19 январдаги 94/04-17-сон маълумотномаси). Мазкур ҳужжатларни киритиш орқали давлат харидлари иштирокчиларининг хабардорлиги ортади. Шунингдек, давлат харидларини амалга ошириш тўғрисидаги ахборотларнинг очиклиги таъминланган.

давлат буюртмачиси томонидан харидни бекор қилишнинг асосли сабабини порталда эълон қилишнинг мажбурий тартибини киритиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январдаги «Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 37-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 19 январдаги 94/04-17-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 26 январдаги 04/1-06-91-сон маълумотномалари). Натижада давлат харидларини бекор қилиш сабабларини ўрганиш имконияти яратилади ва харидларнинг шаффофлиги ортади ҳамда қасддан давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларни бекор қилиш даражаси камаяди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари 3 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация иши бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий илмий нашрларда 6 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий матни ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети ифодаланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Давлат харидини ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий асослари**» номли биринчи бобида давлат харидининг ўзига хос хусусиятлари ва назарий асослари, унинг шакллари ва уни бошқаришнинг илмий-услугий асослари тадқиқ этилган. Шу билан бирга, давлат харидини бошқаришнинг илғор тажрибалари ўрганилган ва уларнинг мамлакатимизга хос жиҳатларини жорий этиш юзасидан таклифлар тизимлаштирилган. Тадқиқотлар асосида илмий-назарий хулосалар шакллантирилган.

Ўзбекистонда давлат хариди ҳажми ЯИМнинг 11 фоизини ташкил этгани ҳолда унинг иқтисодий ўсишга таъсир этувчи муҳим омил эканлигини кўрсатади. Давлат хариди ЯИМ шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади⁶.

Давлат харидини бошқариш тизимини такомиллаштириш учун куйидаги элементлардан фойдаланиш самарали йўналиш ҳисобланади: давлат харидини бошқариш юзасидан илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш; давлат хариди сиёсатини давлатнинг иқтисодий сиёсати мақсадларига мувофиқлаштириш; давлат хариди соҳасида амалга оширилаётган сиёсатни мониторинг қилиш ва баҳолашни татбиқ этиш.

Г.Қосимованинг фикрича⁷, давлат харидига эътибор унинг аҳамиятидан келиб чиқади. Биринчидан, давлат хариди ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга давлат сектори фаолияти учун зарур товарлар, хизматлар ва ишлар билан ўз вақтида таъминлаб туради. Иккинчидан, давлат бюджети харажатларининг катта қисмини ташкил этувчи давлат хариди унинг барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун давлат хариди микдорини энг мақбул даражада сақлаб туриш учун уларнинг юқори самарадорлигини таъминлаш ўта муҳимдир. Учинчидан, давлат хариди давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларини амалга оширишда фойдаланилувчи кучли восита эканлиги қайд этиб ўтилади.

Давлат хариди давлат эҳтиёжлари учун товар ва хизматларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олишдир⁸.

Муаллифнинг фикрича, давлат харидини бошқаришга тизимли ёндашув мақсадга мувофиқ. Шундай экан, давлат эҳтиёжлари учун товар (иш, хизмат)ларни харид қилишни режалаштириш, электрон савдоларда рақобат

⁶ О проблемах управления государственными закупками в Республике Узбекистан и направлениях совершенствования. Аналитическая записка. UNDP. – Ташкент, 2008.

⁷ Қосимова Г.А. Ҳазначилик тизимида давлат харидининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари. //Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. – Т., 2019. - № 2 (апрель).

⁸ Бурханов У. Давлат хариди. – Тошкент, 2010. – 16 б.

мухити шаффофлигини таъминлаган ҳолда амалга ошириш жараёни *давлат хариди тизимини* юзага келтиради.

Стандарт турдаги давлат харидлари мезонлари рақобатга асосланган механизмни шакллантириши назарда тутилмоқда. Мазкур ҳолатда маълум бир товар (иш, хизмат)лар гуруҳига устунлик берилмайди. «Мураккаб» мезонлар асосида танлаб олиниши назарда тутилган маълум бир гуруҳ товар (иш, хизмат)ларга устунлик учун имтиёзлар берилиши мумкин. Хусусий мезонлар асосида тўғридан-тўғри харид қилиниши ёки бирор етказиб берувчига ҳужжат асосида алоҳида устунлик берилади.

Албатта икки томонлама муносабатлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида амалга ошади. Келишув маълум шартлар асосида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг акс эттирган ҳолда юзага келади. Бу эса, шартнома муносабатлари вужудга келишига сабаб бўлади. Бу борада, шартномалар назарияси муҳим ўрин тутаяди.

Бенгт Хольмстрём ўз назариясида шартнома тузишнинг тамойилларига алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, ахборот тамойили ўзаро молиявий манфаатдорлик ва бошқа хусусиятларнинг уйғун муносабатда бўлишини қайд этади. Масалан, ходим билан тузилган шартномада иш ҳақидан бошқа рағбатлантирувчи шартлар ҳам мавжуд бўлишини эътиборга олади. Шунингдек, Оливер Харт шартномалар назариясида «ижро этилмаган шартномалар» ғояси билан фундаментал асосларнинг янги йўналишини белгилаб берган.

Мазкур назария фанга олиб кирилиши билан томонларнинг шартномани бошқариш ҳуқуқларини тақсимлаб бериш имконини берган. Бу эса, бизнесни бошқариш устуворликларини таъминлаш билан бирга, нафақат иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларига, балки сиёсий фанлар ва ҳуқуққа ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Замонавий иқтисодиётда кўплаб шартномалар мавжуд. Харт ва Хольмстрём томонидан ишлаб чиқилган янги назарий инструментлар ҳақиқий шартнома ва институтлар, шунингдек, шартномалар тузишда потенциал муаммоларни тушунишда муҳим аҳамиятга эга⁹.

Тадқиқотлар асосида айтиш мумкинки, давлат харидларини тартибга солишда шартнома муносабатлари муҳим ўринга эга. Бунда давлат буюртмачиси сифатида бюджетдан маблағ олувчи, етказиб берувчи сифатида бизнес субъектлари ўзаро муносабатларга киришади. Давлат бюджети маблағлари рентабеллигини ошириш учун буюртмачиларнинг арзон нарх ва сифат жиҳатидан талабларини шакллантириш, бошқа жиҳатдан етказиб берувчилар ҳуқуқларини таъминлаш шартнома қоидаларида ўз аксини топиши лозим. Бу эса, икки томонлама манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш имконини беради.

Муаллифнинг фикрича, давлат харидини режалаштиришдаги мавжуд муаммоларнинг сабаблари қуйидагилардан иборат:

⁹ The Sveriges Riksbank Prize in Economic Sciences in Memory of Alfred Nobel 2016 <https://www.nobelprize.org/prizes/economic-sciences/2016/press-release/>

бюджет жараёни такомиллашмаганлиги – бюджетни шакллантириш фақат бир йил чегарасида бўлиб, унда ўтган йил бюджетида кўзда тутилган ва тугалланмаган лойиҳаларни молиялаштириш мажбурияти кўрсатилмайди;

давлат харидларини режалаштирилган давр билан харидни амалга ошириш даври ўртасидаги муддатнинг бир календарь йилига фарқ қилиши натижасида нарх билан боғлиқ мураккабликлар юзага келади;

давлат бюджетини шакллантиришнинг услубий асослари етарли даражада такомиллашмаганлиги, яъни даромад ва харажат моддаларини режалаштиришда ўзаро мустақилликнинг паст даражада эканлиги.

Тадқиқотларга асосланиб таъкидлаш мумкинки, бюджет харажатлари доирасида давлат харидларини режалаштириш жараёнида эҳтиёж мавжуд бўлган товар (иш, хизмат)нинг келгусида бўлиш эҳтимолига эга бозор қийматини аниқлаш механизмини акс эттирган маълумотларнинг электрон дастурини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

№	Lot raqami	Savdo tugash muddati	Hudud	Tuman	Buyurtmalar nomi	Boshlang'ich qiymat	O'hirgi eng yaxshi narx/ Ishirokchilar soni
1	4988079	17.06.2019 10:00:00	Navoiy viloyati	Tomdi tumani	Бумага А4	1 500 000 UZS	Narx taqdim etilmagan
2	4988118	17.06.2019 10:00:05	Navoiy viloyati	Xatirchi tumani	Бумага А4	1 599 976 UZS	Narx taqdim etilmagan
3	4987386	17.06.2019 10:00:10	Toshkent sh.	Olmazor tumani	Цетиризин таб.5 мг, 10 мг N 10	600 000 UZS	Narx taqdim etilmagan
4	4988225	17.06.2019 10:00:15	Navoiy viloyati	Navoiy shaxri	Бумага А4	2 100 000 UZS	Narx taqdim etilmagan
5	4988499	17.06.2019 10:00:20	Qoraqalpog'iston Respublikasi	Qorauzak tumani	Анальгин, Димедрол, Строфантин, Преднизалон, Парацетамол	778 000 UZS	746 880 UZS (2)
6	4987845	17.06.2019 10:00:25	Navoiy viloyati	Navoiy shaxri	Кондиционер	10 720 000 UZS	10 291 200 UZS (2)
7	4988515	17.06.2019 10:00:30	Qoraqalpog'iston Respublikasi	Chimboy tumani	Комплект прокладок	280 000 UZS	Narx taqdim etilmagan
8	4988326	17.06.2019 10:00:35	Xorazm viloyati	Qoshko'pir tumani	Аналгин, Кальций глюконат, Парацетамол, Йод, Магний сульфат, Спирт этиловый, Новокаин, Эуфиллин, Зеленка, Вата медицинская, Папаверин, Валериана, Фуразолидон, Уголь активированный	7 260 500 UZS	Narx taqdim etilmagan
9	4988414	17.06.2019 10:00:40	Farg'ona viloyati	Farg'ona shaxri	Насосный агрегат	32 735 000 UZS	Narx taqdim etilmagan
			Qoraqalpog'iston Respublikasi	Qorauzak tumani	Краска, Шпатлёвка	4 991 000 UZS	Narx taqdim etilmagan

1-расм. Давлат харидларини амалга ошириш махсус ахборот портали

Манба: dxarid.uzex.uz порталидан олинган. Мурожаат санаси: 16.06.2019 й.

Электрон давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларига кўра, етказиб берувчи ҳисоб-китоб-клиринг палатасига буюртма қийматининг маълум фоизи миқдорида аванс тўлови орқали электрон савдоларда қатнашади. Умуман, электрон давлат харидларида иштирок этишнинг умумий шартлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– иштирокчи (корпоратив буюртмачи ва етказиб берувчи, бюджет буюртмачилари мазкур тўловни тўлашдан озод этилган) ХККП (ҳисоб-китоб-

клиринг палатаси)га буюртманинг қийматига нисбатан 3 фоиз (электрон дўкон ва аукцион учун) аванс тўловини амалга ошириш;

– буюртмачи ва иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланиш, электрон тизимда тузилувчи шартномаларни ҳақиқий деб топиш учун асос ҳисобланади.

Муаллиф электрон савдоларни ташкил этиш жараёнини қисман ўрганиб чиққан. Таъкидлаш лозимки, аванс тўловлари шартнома мажбуриятлари бажарилганда ёки янги таклиф ёлиб бўлганда корпоратив буюртмачи ва етказиб берувчига қайтарилади. Айтиш мумкинки, электрон харидлар фақатгина электрон дўкон ва аукционда амалга оширилади. Электрон харидлар махсус ахборот портали орқали амалга оширилади. Бу портал <https://dxarid.uzex.uz/uz> сайтида жойлаштирилган бўлиб, унда ЭРИга бўлган давлат хариди иштирокчилари талаб ва таклиф доирасида фаолиятни амалга оширишлари мумкин. Мазкур сайтнинг бошланғич кўринишида товарнинг лот (фойдаланиш, техник ва функционал хусусиятларига кўра) бир хил рақами, савдонинг тугаш вақти, буюртмачи жойлашган ҳудуд, туман, буюртманинг номи, бошланғич қиймат ва реал вақт режимида энг яхши таклиф тўғрисида маълумот акс этади (1-расм).

LOT RAQAMI: 4988465 LOTGA YOZILISH

1 - ГВОЗДЬ
Batafsil ma'lumot: Мик 0,5 см узунликда
Xarajatlar moddasi: Товарно-материальные запасы (кроме бумаги и прочей полиграфической продукции)

Lotlar soni	O'lchov birlik	Boshlang'ich narx	Eng yaxshi taklif etilgan narx	Keyingi narx
10.0	Кг	15 000 UZS	Narx taqdim etilmagan	Narx taqdim etilmagan

2 - ДВП
Batafsil ma'lumot: ДВП деревянный размер 2x2 метр
Xarajatlar moddasi: Товарно-материальные запасы (кроме бумаги и прочей полиграфической продукции)

Lotlar soni	O'lchov birlik	Boshlang'ich narx	Eng yaxshi taklif etilgan narx	Keyingi narx
10.0	Шт	85 000 UZS	Narx taqdim etilmagan	Narx taqdim etilmagan

3 - СИНТЕПОН
Batafsil ma'lumot: Сентипон, размер 2x2 метр
Xarajatlar moddasi: Товарно-материальные запасы (кроме бумаги и прочей полиграфической продукции)

Lotlar soni	O'lchov birlik	Boshlang'ich narx	Eng yaxshi taklif etilgan narx	Keyingi narx
20.0	Шт	5 500 UZS	Narx taqdim etilmagan	Narx taqdim etilmagan

4 - ЛАК
Batafsil ma'lumot: Лак хар хил рангларда, идишда 2,5 литр булиши шарт

2-расм. Аукцион бўйича тасодиф товарлар тўғрисида маълумот

Манба: dxarid.uzex.uz порталидан олинган. Мурожаат санаси: 16.06.2019 й.

Қайд этиш керакки, буюртмачининг барча маълумотлари мазкур ахборот порталида савдо бошланган пайтда аниқ кўриниб туради. Лекин таклифларни амалга оширувчи(етказиб берувчи)нинг маълумотлари акс этишига йўл қўйилмайди.

Тадқиқотлар асосида айтиш мумкинки, махсус ахборот порталига аукцион учун жойлаштирилган эълонларда ҳар бир лот товар учун шакллантирилган нархлар бозор нархидан анча фарқ қилиши ёки товарнинг ҳажм(ўлчам)ига қўйилган талаблар умумий стандартлардан фарқ қилишини кузатиш мумкин. Масалан, «ДВП» (Древесноволокнистая плита) тўғрисидаги техник маълумотлар стандарт бўйича 2,75x1,7 м² юзаси ва қалинлиги 3 ёки 4 мм бўлиб, оғирлиги мос равишда 12 ва 16 кг бўлиши аниқланди.

Мисол тариқасида олинган ДВП маҳсулот 2-расмда акс эттирилган 2x2 м² тарзида ўлчов билан берилган. Унинг қалинлигига белгиланган талаблар ва оғирлиги тўғрисидаги техник параметрлар эса берилмаган. Муаллифнинг фикрича, давлат харидлари бўйича эълонлар махсус ахборот порталига жойлаштирилса, қуйидаги омилларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

товар (иш, хизмат)нинг ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) томонидан савдо предметининг техник паспорти асосида лотлар шакллантирилишини белгилаш ёки товар(иш, хизмат)лар лотларини шакллантиришда давлат стандартлари ёрдамида эълонга бериш механизмини белгилаш;

савдо предмети учун нархларни белгилашда бозор баҳоси билан автоматик қиймлаш ва аниқлашнинг реал вақт режимида ишловчи дастурий маҳсулотни яратиш.

Аукцион ўтказишда белгиланган энг юқори сумма қийматини ошириш орқали танлов асосида ўтказиладиган харидлар миқдорини камайтириш мақсадга мувофиқ.

Муаллифнинг фикрича, юқоридаги ҳолатларни жорий этиш, биринчидан, бюджет буюртмачиси томонидан харажатлар сметаси бўйича бир турдаги товарлар икки (ёки ундан ортиқ) шартнома бўйича харид қилинишига йўл қўйилмайди. Иккинчидан, бюджет буюртмачиси томонидан нархларни манипуляция қилишга имкон берилмайди, учинчидан, бюджет харажатларининг манзиллилигини таъминлаш орқали самарадорликка эришилади.

Европа Иттифоқида илғор давлат харидлари тизими амал қилади ва қуйидаги йўналишларнинг афзалликларидан фойдаланилади¹⁰:

- электрон воситалардан кенг фойдаланиш;
- кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш;
- товарларнинг тўлиқ ҳаётийлик даври ҳисоби;
- ижтимоий меҳнат муносабатларини қўллаш;
- экологик талабларга риоя қилиш;
- коррупцияга йўл қўймаслик;
- харид иштирокчиларига расмий талабларни камайтириш;
- назоратнинг мослашувчан меъёрий-ҳуқуқий усулини ишлаб чиқиш.

ЕИнинг айрим мамлакатларида давлат буюртмасининг маълум қисми, алоҳида олинган товар етказиб берувчилар учун, хусусан, кичик бизнес вакиллари учун сақлаб қолинади. Баъзан шу мақсадда йирик буюртмалар кичик

¹⁰ Гофуров Д.Б. Давлат хариди ва корпоратив харидларни ташкил этишда хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш имкониятлари. //Халқаро молия ва ҳисоб. – Т.: ТМИ, 2018. - №4-5.

қисмларга бўлинган ҳолда жойлаштирилади¹¹. Бу мамлакатларда давлат хариди учун хорижий товар етказиб берувчиларга белгиланган махсус чекловлар билан бирга, анча билвосита чекловлар – божхона тўловлари ва нотариф чекловлар (стандартлар, гувоҳномалар, лицензиялар ва ҳ.к.), айрим ҳолатларда, тўғридан-тўғри чекловлар белгиланади. Бу амалиёт – халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда, ЖСТнинг фаолияти натижасида аста-секин камаймоқда.

Муаллифнинг фикрича, ЕИ мамлакатларида давлат харидини амалга оширишда электрон воситалардан фойдаланиш, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва экологик оқибатларга сабаб бўлмайдиган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, хорижий бизнес субъектлари харид жараёнларида иштирок этганда миллий бизнес вакилларига имтиёзлар мавжудлиги ҳам алоҳида эътиборга молик.

Диссертациянинг «**Давлат харидлари тизими ва услубиётининг ривожланиш тенденциялари амалдаги ҳолатининг таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида давлат харидлари тизими ва услубиётининг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган ва хулосалар асослаб берилган.

Муаллифнинг фикрича, электрон харид тизимларининг энг катта афзалликларидан бири соғлом ва шаффоф рақобат муҳитини яратиш орқали коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш бўлса, кейинги ютуғи товар(иш, хизмат)лар нархлари асоссиз ошириб юборилишини чеклаш орқали маблағларнинг тежалишидир. Бу ҳолатни давлат харидлари тизимига электрон тизимни жорий этишнинг иқтисодий натижаси дейиш мумкин. Шу ўринда аниқ рақамларга мурожаат қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

1-жадвал маълумотлари таҳлиliga кўра, электрон давлат харидлари тизими жорий этилиши орқали йилдан-йилга иқтисод қилинган маблағлар миқдори ортиб борган. Жумладан, электрон аукцион тизимида дастлабки 2012 йилда 81,4 млрд.сўм маблағ тежалган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб, 133,0 млрд.сўм, яъни 2012 йилга нисбатан қарийб 1,6 баробарга ошганлигини кузатиш мумкин.

1-жадвалдан 2018 йил маълумотлари ҳам ўрин олганлигини боис уларга ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолатда 2018 йил маълумотларини ўтган йиллар маълумотлари билан таққослаш тўғри эмас. Чунки 2017 йил сентябр ойидан бошлаб, барча турдаги электрон харидлар тизими тўхтатилган ва 2018 йил июнь ойидангина қайта ишга туширилди. Лекин 2018 йилда қайтадан ишга туширилган тизим аввалги тизимдан тубдан фарқ қилади ва у Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида ташкил этилди. Унга кўра харидлар тизимининг электрон аукцион усули сақланиб қолган бўлса-да, товар(иш,хизмат)ларни бундай усулда сотиб олишга талаблар кескин ўзгарди. Электрон каталог усули эса такомиллаштирилиб, электрон дўконга айлантирилди ва у орқали сотиб олишини мумкин бўлган товар(иш, хизмат)лар ҳажми иштирок этиш учун чеклов суммаси миқдори оширилиши туфайли кескин ортди. 2018 йилда

¹¹ Постникова Е.В. Государственнке закупки услуг в праве Европейского Союза: обўая характеристика и ключевке понятия. Академическое приложение к журналу Госзаказ: управление, размещение, обеспечение. 2009. №3. – С.22-57.

аукцион савдолари орқали тежалган маблағлар суммаси 163,5 млрд.сўмни, электрон дўкон орқали эса 50,2 млрд.сўмни ташкил қилиб, жами 213,7 млрд. сўм маблағ тежалишига эришилди.

1-жадвал

Давлат харидлари тизимига татбиқ этилган электрон тизимнинг иқтисодий натижалари таҳлили¹²

Кўрсаткичлар		2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й. (январь-август)	2018 й. (июнь-декабрь)	2019 й.
Битимлар сони	Электрон аукцион	249793	262293	301036	412258	259160	98798	84171
	Электрон каталог (дўкон)	х	х	46002	60422	42070	320960	406508
Жами		249793	262293	347038	472680	301230	419758	490679
Битимлар суммаси (млрд.сўм)	Электрон аукцион	416,8	470,5	497,1	596,1	421,2	695,7	1071,8
	Электрон каталог (дўкон)	х	х	46,6	71,6	59,5	406,2	605,6
Жами		416,8	470,5	543,7	667,7	480,7	1101,9	1677,4
Тежалган маблағ (млрд.сўм)	Электрон аукцион	83	117,4	139,9	133	129,6	163,5	308,2
	Электрон каталог (дўкон)	х	х	12,1	28,1	35,4	50,2	137,4
Жами		83	117,4	152	161,1	165	213,7	445,6

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимиз давлат харидлари тизимида олиб борилаётган ислохотларни борган сари илғор халқаро тажрибага мослаштиришга эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижаси сифатида тежалган маблағлар миқдори ортаётганлигини кузатилди. Шундай бўлса-да, давлат харидлари тизимида хал этилиши лозим бўлган кўплаб муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, кейинги бобда уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилади.

Тадқиқотлардан маълумки, мамлакатимизда давлат харидлари тизими ривожланмоқда, бунда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланилмоқда. Бунинг натижаси сифатида йилдан-йилга электрон харидлар тизими ривожлантирилиши ва қамрови кенгайиши ҳисобига маблағлар тежалиши ҳам ортиб бормоқда. Бу жараён эса рақобатни ривожлантириш ва барча даражадаги етказиб берувчиларга бир хил шароитлар яратиб беришга асосланади. Бу эса ўз навбатида, бундай самарали тизимни давлат молиясининг барча қисмларида қўллаш заруратини ҳам келтириб чиқармоқда, бунда асосий эътибор давлат корхоналарига қаратилиши табиийдир.

¹²Жадвал Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда давлат харидлари тизими ривожланиши билан нафақат бюджет ташкилотлари, балки давлат улушига эга корхоналар ҳам жалб қилинган. «Давлат харидлари тўғрисида» ги қонунга мувофиқ давлат буюртмачилари таркибида давлат корхоналари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ ва устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар корпоратив буюртмачилар сифатида белгиланган.

2-жадвал

Давлат харидлари тизимида электрон аукцион ва электрон дўкон орқали амалга оширилган давлат харидлари ҳажми тўғрисида маълумот¹³

Кўрсаткичлар	Йиллар		
	2017	2018	2019
1. Бюджет буюртмачиларининг электрон аукцион орқали тузилган битимлари миқдори, млрд.сўм	421,2	695,7	1071,8
1.1. Бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши, % да	23,8	19,0	22,3
2. Корпоратив буюртмачиларнинг электрон аукцион орқали тузилган битимлари миқдори, млрд.сўм	364,7	671,3	1700,1
2.1. Бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши, % да	21,8	13,0	14,8
3. Бюджет буюртмачиларининг электрон дўкон орқали тузилган битимлари миқдори, млрд.сўм	59,5	406,2	605,5
3.1. Бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши, % да	37,3	11,0	18,5
4. Корпоратив буюртмачиларнинг электрон дўкон орқали тузилган битимлари миқдори, млрд.сўм	-	187,5	423,7
4.1. Бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши, % да	-	4,5	13,4
5. Жами давлат харидлари, млрд. сўм	845,4	1960,7	3801,1
5.1. Бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши, % да	24,1	14,2	17,5

Корпоратив харидлар тизимини электронлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида ўтган йиллар давомида маблағларни тежаш имконияти яратилди.

2-жадвал маълумотлари орқали 2017-2019 йилларда бюджет ва корпоратив буюртмачилар томонидан давлат харидлари махсус порталидан фойдаланган ҳолда электрон аукцион ва электрон дўкон орқали амалга оширилган давлат харидлари ҳажми ҳамда уларда тежалган маблағлар фоизини кузатиш мумкин. Ундаги маълумотлар бўйича қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Жами давлат харидлари миқдори ортиб бориш тенденциясига эга. Бунда 2017 ва 2018 йилларда ҳуқуқий асослар билан электрон харид тизими тўлиқ ишламаганлигини қайд этиш лозим.

2. Бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши фоизи беқарор ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич нафақат тежалган маблағ нуқтаи назаридан жуда муҳим, балки у асосида буюртмачиларнинг товар(иш, хизмат)

¹³ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган. Электрон манба: www.uzex.uz Мурожаат қилинган сана 20.05.2020 йил

нархларига кутилмаларини ҳам кузатиш мумкин. Яъни бошланғич баҳонинг юқори белгилаш ва харидлар тизимига киритишининг бир нечта сабаблари бўлиши мумкин, муаллифнинг фикрича, бундай сабаблардан бири сифатида бундай товар(иш, хизмат) нархини сунъий ошириб жойлаштириш ортида коррупцион характердаги мақсадлар кўзланган бўлиши мумкин. Бу кўрсаткичнинг ўта юқори бўлиши иқтисодиётдаги айрим муаммоларга ишора қилади. Булар қаторида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

бозор товар(иш, хизмат)лар айрим турларига тўйинмаганлиги;

давлат харидлари тизимида коррупция мавжудлиги;

товар(иш, хизмат)лар сифатига стандартлар мавжуд эмаслиги ёки унга амал килинмаслик сабабли етказиб берувчилар томонидан нархларнинг сунъий тушириб юборилиши оқибатида паст сифатли маҳсулотлар етказиб берилиши ёки умуман етказиб берилмаслиги;

бюджет маблағларини режалаштиришда товар(иш, хизмат)лар ассортиментини шакллантиришнинг аниқ механизмлари мавжуд эмаслиги, натижада бюджет ташкилотлари товар(иш, хизмат)лар миқдори ва нархини ўзи учун қулай ҳолда ўзгартириш имконига эга бўлиши.

3. Бюджет буюртмачилари томонидан 2017-2019 йилларда электрон аукцион орқали тузилган битимлар миқдори ортиб борган ва бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши 2019 йилда 22,3 фоизни ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан юқори бўлса-да, 2017 йилга нисбатан 1,5 фоизга пастроқдир.

4. Корпоратив буюртмачиларнинг электрон аукцион орқали тузилган битимлари миқдори ҳам ортиб борган бўлиб, айниқса 2019 йилда 2017-2018 йилдаги жами кўрсаткичдан ҳам катта миқдорга эга бўлган. Бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши эса пасайиб бориш тенденциясига эга.

5. Бюджет буюртмачиларининг электрон дўкон орқали тузилган битимлари миқдори кескин ортган бўлиб, буни электрон каталог электрон дўконга айлантирилгани ва бунда 2017 йилдан фарқли ўлароқ кўплаб товар(иш, хизмат) турларини ушбу дўкондан сотиб олиш имкони яратилгани билан изоҳлаш мумкин. Бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши ҳам битимлар миқдорига тескари пропорционал равишда пасайиб бормоқда. Буни эса ушбу платформада рақобат кучайганлиги билан изоҳлаш мумкин.

6. Корпоратив буюртмачиларнинг электрон дўкон орқали шартномалар тузиш амалиёти 2018 йилдан йўлга қўйилганлиги сабабли унда тузилган битимлар миқдори шу йилдан берилган бўлиб, 2019 йилда сезиларлича ўсишни кўрсатмоқда. Бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши эса ортиб бормоқда.

7. Бюджет ва корпоратив буюртмачиларнинг электрон давлат харидлари тизимидан фойдаланишидаги ўзгаришлар кузатилса, сўнгги йилларда корпоратив буюртмачилар барча кўрсаткичларда бюджет буюртмачиларидан кўпроқ ўсишга эришган. Жумладан, электрон аукцион орқали тузилган битимлари миқдори бўйича бюджет буюртмачилари сони 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 154 фоизга ошган бўлса, корпоратив буюртмачилар шу

йўналишда 253 фоиз ўсишга эришган. Маблағлар миқдори жиҳатидан 2018 йилда ҳам шундай электрон аукцион орқали тузилган битимлар 2018 йилда бюджет ва корпоратив буюртмачиларда ўзаро яқин бўлган бўлса, 2019 йилда келиб, корпоратив буюртмачилар бюджет буюртмачиларга нисбатан 158 фоизга юқори миқдорда харидларни амалга оширганлар.

3-жадвал 2019 ва 2020 йилларнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиб, бу таққослаш пандемия давридаги иқтисодий ҳолатнинг давлат харидлари тизимига қандай таъсир қилганлигини баҳолаш мақсадида амалга оширилган.

3-жадвал

Электрон аукцион ва электрон дўкон орқали амалга оширилган давлат харидлари натижалари¹⁴

Кўрсаткичлар	2019 й. 1-ярим йиллик	2020 й. 1-ярим йиллик	Фарқи
1. Давлат харидлари жами миқдори, млрд. сўм	1585,5	1583,2	-2,3
1.1. Бюджет маблағлари тежалиши, млрд. сўм	308,5	346	37,5
1.2. Бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши, % да	16,3	17,9	1,6
2. Бюджет буюртмачилари электрон аукцион орқали тузилган битимлари миқдори, млрд. сўм	431,4	334,3	-97,1
2.1. Бюджет маблағлари тежалиши, млрд. сўм	117,2	78,3	-38,9
2.2. Бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши, % да	21,4	19	-2,4
3. Корпоратив буюртмачиларнинг электрон аукцион орқали тузилган битимлари миқдори, млрд. сўм	646,2	847,8	201,6
3.1. Маблағлар тежалиши, млрд. сўм	109,7	162,6	52,9
3.2. Бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши, % да	14,5	16,1	1,6
4. Бюджет буюртмачиларининг электрон дўкон орқали тузилган битимлари миқдори, млрд. сўм	267,8	195,1	-72,7
4.1. Бюджет маблағлари тежалиши, млрд. сўм	50,6	48,5	-2,1
4.2. Бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши, % да	15,9	19,9	4
5. Корпоратив буюртмачиларнинг электрон дўкон орқали тузилган битимлари миқдори, млрд. сўм	240,2	206	-34,2
5.1. Маблағлар тежалиши, млрд. сўм	31,1	56,6	25,5
5.2. Бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши, % да	11,5	21,5	10

3-жадвал маълумотларидан кузатиш мумкинки, 2020 йилнинг 1-ярим йиллигида давлат харидлари жами миқдори 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 млрд сўмга камайган ва деярли ўзгармаган ҳамда 1583,2 млрд.сўмни ташкил қилган. Бошланғич баҳога нисбатан маблағлар тежалиши эса ортган. Лекин ҳолатни буюртмачилар кесимида ўрганилса, бюджет буюртмачиларида

¹⁴ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган. Электрон манба: uzex.uz Мурожаат қилинган сана 20.07.2020 й.

электрон аукцион ва электрон дўконда харидлар миқдори кескин камайганлигини кузатиш мумкин. Корпоратив буюртмачиларда эса харидлар миқдори электрон аукционда ортган бўлса, электрон дўконда сезиларсиз камайган.

Бу ўринда яна бир диққатга сазовор жиҳат шундаки, бюджет буюртмачиларининг харидлари миқдори камайган бўлса-да, тежалган маблағлар миқдори ортган. Бундай турлича хулосалар қилиш мумкин ва пандемия шароитида айрим турдаги маҳсулотларга талаб ноодатий, яъни мажбурий ортиши ортидан уларнинг бошланғич нархларини тўғри белгиламаслик бунга сабаб бўлаётгани аниқ.

Муаллифнинг фикрича, маблағлар тежалиши жуда жиддий масала бўлиб, бунда товар (иш, хизмат)лар сифатсиз бўлиши ёки умуман етказиб берилмасдан қонун бузилиш ҳолатлари юзага келиши мумкинлиги бунга исбот бўла олади. Шунинг учун ҳам маблағлар тежалганда, аввало, сотиб олинган қисмининг сифатли эканлиги ва етказиб берилганлигига алоҳида эътибор бериш лозим.

Қолаверса, корпоратив буюртмачилар томонидан харидлар миқдорининг бюджет буюртмачиларидан ортиқ бораётганлиги уларнинг давлат харидлари тизимини янада кенгроқ ўрганиб чиқишни тақозо этмоқда, бу эса давлат қарзи ҳисобига молиялаштирилаётган лойиҳаларда айниқса муҳим ҳисобланади.

